



Шарафиддинова Нодира Хурсандовна

Фарғона вилояти Фарғона шаҳри
ФарДУ академик лицейи она тили ва
адабиёт фани ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5848943>

Ритм яратишда урғунинг ўрни

Аннотация: Ритм яратишнинг омил ва усуллари хилма-хил бўлиб, буларнинг бирида сўзларнинг орфоэпик варианtlарига, яъни талаффуз туфайли сўз маркибида рўй берадиган фонетик фарқланишларга ҳам асосланилади. Ритмик эҳтиёж туфайли сўзлар маркибидаги унлилар орттирилади, ундошлар ўз йўлдош унлилари қўшилган ҳолда талаффуз этилади. Ритм яратишнинг бу тизимида ургу ҳам иштирок этади. Мақолада шу ҳақда фикр юритилади.

Калит сўзлар: акцентология, туроқ, руқн, монотон товуши, политон товуши, акустика, метрик шеърият.

Аннотация: Факторы и методы создания ритма различные, один из которых основан на орфоэпических вариантах слов, то есть на фонетических различиях, возникающих в структуре слова из-за произношения. Из-за ритмической потребности гласные в словах увеличиваются, согласные произносятся с добавлением собственных гласных-сателлитов. В обоих случаях формируется слог, в статье описаны эти процессы, роль абревиатур в формировании ритма и дано определение их как акцентологического метода.

Ключевые слова: акцентология, турок, руқн, монотонный звук, политон звук, акустика.

Метрик шеъриятда ритм яратишнинг акцентологик усули ургу функцияси билан ҳам боғланади. Маълумки, ўзбек тилида ургу нисбий барқарорликка эга бўлиб, у, одатда, сўзни охирги бўғинига тушади ва сўзни фонетик жиҳатдан яхлитлади. Ургу тушиши монотон товушнинг политонга айланиши урғунинг соғ фонетик функциясидир, бунда кўп бўғинли сўзлардаги бўғинлардан бири акустик жиҳатдан фарқланади, унли, агар унга ургу тушган бўлса, кучли позицияда туради.

Бажарадиган вазифаси ва характерига қараб, ургулар турличадир. Биринчи навбатда ургу таъкидлайди, таъкидлаш эса ажратиш орқали юзага чиқади. Ургу сўзда бўғинни ажратганидек, нутқий тактда сўзни, фразада сўз ва синтагмани ҳам ажратиб кўрсатади. Бу ажратишлар маъно-мазмунни таъкидлаш, унга эътибор қаратиш учун хизмат қиласи. Урғунинг поэтик вазифа бажариши миқдорий урғунинг дифференциал функцияси асосида юзага чиқади. Пауза ритмнинг нисбатан йирик



бўлакларини ажратиш билан поэтик вазифа бажарса, ургу ритмик бўлаклар таркибидаги унсурлардан бирини ажратиш орқали поэтик вазифа бажаради. Бошқача айтганда, пауза бир бутун тугал матн, шунингдек, банд ва мисралар таркибида ҳаракат қиласи, шу ҳаракати туфайли байт ва бандларни, мисра, туроқ ва руқнларни ажратади. Метрик шеъриятда ургу туроқ ва руқнлар таркибида ҳаракат қиласи ва шу таркибидаги бирор элементни, одатда, бўғинни ажратади. Бу билан бир туроқ (руқн)ни шу туроқ (руқн) мансуб бўлган тизимдаги бошқа туроқ (руқн) билан ритмик жиҳатдан тенглаштиради.

Ҳар кеча қон бирла жиссим сафҳайи тақвимдек

Гўйи анжум тирногидин сарбасар ағгор эрур [1.Б.128]

Бу байтнинг охирги руқни вимдек: гор эрур тарзида шаклланган. Кўриниб турибдики, биринчи руқн икки бўғин, иккинчи руқн уч бўғиндан иборат. Бу лингвистик пландаги бўғинлар миқдори. Биринчи руқн иккинчи руқнга тенглашиши миқдорий ургу туфайли мумкин бўлади. Шу миқдорий ургу бўғин унлисини – руқннинг биринчи бўғинидаги “и” унлисини чўзиқ бўлишини таъмин этади. Газалнинг бешинчи байти биринчи мисрасининг охирги руқни ҳам айни шу тарзда шаклланган:

Яңгла кўнглум васл топти, раҳм қил, эй оҳким,

Тунд элдин янги бутган ёрага озор эрур. [1.Б.128]

Лекин бу билан руқн охиридаги ургу – сўзни, бу ўринда руқнни, бир бутун фонетик комплекс сифатида яхлитловчи ургу йўқ бўлиб кетмайди, у ҳам сақланади, ўзининг динамиклик характеристини сақлаб қолади, ритмик бўлакни, яъни руқнни навбатдаги руқнлардан ажратиб туради. Лекин руқн шаклланишида иккинчи даражали ургу сифатида мавжуд бўлади. Бу ургу ғазалнинг бошқа мисраларидағи сўнгги руқнларнинг охирги бўғинларида ҳам мавжуд бўлади. Газалнинг барча тоқ мисраларининг охирги руқнлари қуидагича: зор эрур – вимдек – зулф анга – гўйиё – оҳким – бағриға – худ таним – юз қуёш-нат қўяй. Бу сирадан кўринадики, фақат иккинчи ва бешинчи байтлар биринчи мисраларининг охирги руқнлари икки бўғин бўлиб, қолган етти байт биринчи мисраларининг охирги руқнлари уч бўғинлидир. Албатта, учинчи бўғин ўз ургусига эга. Мана шу ургу икки бўғинли “- вимдек” ва “оҳким” руқнлари сўнгги бўғинларида ҳам мавжуд бўлади. Бу икки бўғинли руқнлар поэтик уч бўғин бўлишида миқдорий ургу биринчи бўғинга тушади, яхлитлаш ургуси охирги бўғинга тушади.

Сўнгги бўғин ургусининг сақланишига яна бир сабаб шуки, бу ургу, яъни биринчи бўғинга тушадиган ургу кўчиш ҳодисаси эмас, ритмик эҳтиёж ва ритмик талаб билан боғлиқ ҳолда сўз бўғинига эмас, руқн бўғинига тушадиган мажбурий ургудир, яъни руқн ургуси, ритмик ургудир, динамик характеристидаги эмас, овознинг кучи билан ажратилган мелодик характеристерга эга бўлган ургудир.

Гунчадек кўнглум менинг гулзор майли қилмагай,

Ғам била бутган кўнгул гулгашиб ила очилмагай [3.Б.61]



Байтнинг учинчи руқнлари “зор майли: гашт ила о” тарзида шаклланган. Бу руқнлараро муносабатда ҳам биринчи руқн иккинчисидан бир бўғин кам, у лингвистик уч бўғиндан иборат. Руқни тўрт бўғинли руқнга тенглаштириш миқдорий ургу ҳисобига, қисқа бўғинни чўзиқ бўғинга айлантириш орқали қопланади. Биринчи руқннинг биринчи бўғини чўзиқ бўғинга айлантирилганда, шу бўғиннинг охирги товуши талаффузи ҳам “ръ” тарзида руқнлараро товуш уйғунлиги яратилишида иштирок этади. Руқнлараро товушларнинг ритмик мувозанати шу йўсин тикланади. зоры майли: гаштила о кўринишини олади.

Куйидаги бандда “офтоб” сўзи бир туроқ сифатида поэтик жиҳатдан уч бўғин бўлиб келган:

Деди:

*“Тикланг, шундай сарой,
Зарни қилманг ҳеч ҳисоб.
Ҳавас қилсин кечалар ой,
Кундузлари – офтоб...”* [4.Б.174].

Банднинг учинчи қаторидаги “ҳеч ҳисоб” туроги уч бўғиндан иборат. Вертикал йўналишда унга мос тушадиган туроқ – “офтоб” икки бўғин. Биринчи бўғинга тушадиган миқдорий ургу, поэтик вазифа бажариш билан боғлиқ ҳолда, уни икки бўғинга айланнишида хизмат қиласди, лекин лингвистик икки бўғинга айлантириб юбормайди, “ф” ундошининг аниқ, нисбий фарқланган ҳолдаги талаффузига фонетик шароит вужудга келиши учун ҳам хизмат қиласди. Натижада “ф” ундоши ҳам учинчи бўғиннинг яратилишида қатнашади. Шу йўл билан мисранинг банддаги бошқа мисралар билан, бу ўринда 4-3 туроқланиш асосидаги етти бўғинли учинчи мисрага мос бўлган бўлаги яратилган. Бўғиннинг миқдорий ургу ёрдами билан чўзилиши навбатдаги ундошнинг бўғин яратишда қатнашиш даражасидаги талаффузи учун хизмат қилиши қуйидаги байтда яна ҳам аниқроқ ҳис этилади.

*Бу гулисан гуллари бирлан очишисанг ногаҳон рухсор,
Руунат авжисда ҳар бобдин ҳумронлигинг бордур.* [5.Б.141].

Келтирилган байт иккинчи мисрасининг иккинчи руқни “жида ҳар бо” тарзида шаклланган. Учинчи руқннинг биринчи ҳарфи “б” ифодалайдиган товуш “бъ”, яъни ундош “б” ўз йўлдош унлиси билан талаффуз этилиб, бир бўғин вужудга келган. “Бобдин” сўзининг биринчи бўғинидаги миқдорий ургу ўзи тушган унлини чўзиш орқали уни бўғин таркибида бўлган навбатдаги товушни – “б” товушини ажралган ҳолда талаффузи учун шароит яратган. Мисранинг учинчи руқни “бъ дин хумрон” кўринишида шаклланган.

*Демангиз аҳбобким қилмасмусен бас йигламоқ,
Ким менга тенгри насиб этмиши туганмас йигламоқ
Асрай олмай ўзни ашким тутти дашту тоғни,
Нечаким Фарҳоду Мажсун дедилар бас йигламоқ* [2.Б. 281]



Келтирилган биринчи байт биринчи мисрасидаги иккинчи, кейинги байт биринчи мисрасидаги охирги руқнлар ҳам шу тарзда шаклланган.

Оҳак қориб, гишт қўтариб ошён қурмоқ,

Парпиратмоқ ота-бобо ёққан чароғин.

Қандай кўркам тинчликнинг ҳаёт тўла нафаси,

Ер юзи халқларининг орзуси, ҳаваси [6.Б.38,41]

Ғафур Ғулом шеъриятидан келтирилган мисраларда “ошён”, “орзу” сўзларининг биринчи бўгинларига тушган миқдорий ургулар воситасида “ш” ҳамда “р” ундошлари ўта қисқа бўлган ўз йўлдош унлилари билан талаффуз қилинади ва бу сўзлар поэтик жиҳатдан уч бўғин сифатида ритмик вазифа бажаради.

Хуллас, овознинг кучи билан ажратувчи мелодик характерга эга бўлган ургу метрик шеъриятда руқнлар мувозанатини тиклаш билан ритмик вазифа бажаради.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик.1-том.
– Тошкент, ”Фан”, 1987.
2. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик.2-том.
– Тошкент, ”Фан”, 1987.
3. Бобур. Девон. – Тошкент: Фан, 1994.
4. Воҳидов Э. Замин сайёраси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014.
5. Муқимий. Лолазор айлаб келинг. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2016.
ва санъат нашриёти, 1972.
6. Ғафур Ғулом . Асарлар. Ўн томлик. Учинчи том. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.